

1 - шартнома

Андижон шаҳар

5 "Июль" 2022 й.

Биз шартнома тузувчилар бундан буён «Таъминотчи» деб аталувчи «Жило гавхар люкс» МЧЖ номидан уз низоми асосида фаолият олиб боровчи қорхона раҳбари Каримов О бир томондан ва бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи Искандар Ҳасанов номидан низом асосида фаолият олиб боровчи И. Мадрасилов бошқа томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан «Таъминотчи» куйидаги шартларга мувофиқ товарларни етказиб беришни «Буюртмачи» эса товарларни қабул қилади ва уз вақтида тўловни амалга оширади:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Творог	м ²	45	14000	630000
2	Система	метр	45	8000	360000
3	Сарф 82%	м	17	32000	544000
4	Ватсек	метр	72	6000	432000
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
	ЖАМИ				2017000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси:

2017000 (икки миллион ўн етти минг) сўм.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

1. «Буюртмачи» мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб тўловлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда шартнома умумий суммасидан 30 % микдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 90 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.
2. «Буюртмачи» аванс маблағлари «Таъминотчи» нинг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
3. «Таъминотчи» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
4. «Буюртмачи» товарларни қабул қилишда «Таъминотчи» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар «Таъминотчи» ҳисобидан амалга оширилади.
6. «Буюртмачи» нинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
7. Етказиб берилган товар бевосита «Буюртмачи» нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.
8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:
 - «Таъминотчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
 - «Буюртмачи» ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, «Таъминотчи» дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;
 - «Таъминотчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;
 - Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:
 - тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
 - камчиликларни бегараз бартараф этиш;
 - «Таъминотчи» дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
 - мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
 - товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.
- 3.3. «Таъминотчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:
 - «Буюртмачи» дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
 - «Буюртмачи» дан мазкур шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.4. «Таъминотчи» нинг мажбуриятлари: - Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддат, микдорда ва сифатда етказиб бериш;
 - агар товарларни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддатда барча аниқланган камчиликларни бартараф этиш.

- 3.5. Мазкур шартноманинг белгиланган тартибда шартлари, талаблари, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 4.1. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек "Таъминотчи" шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи "Таъминотчи"га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.
4.2. Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, "Таъминотчи" жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.
4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот "Таъминотчи"га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.
Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Буюртмачи" "Таъминотчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.4. "Таъминотчи":

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Таъминотчи"дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима "Таъминотчи"дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар "Таъминотчи" сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун "Таъминотчи" сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин Бажарувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Бажарувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.
5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургўкчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартномаларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар кирди.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.







8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ҳудудий фазначилик бўлинишасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади.
8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.
8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

Таъминотчи: «Жило гавхар люкс» МЧЖ
Манзил: Андижон шаҳар
Тел: 74-223 61 62
СТИР коди: 302046344
Х/Р: 2020 8000 3049 2352 8001
Банк номи: Ипатека банк Анд-булими МФО:00059
Раҳбар (директор): **Каримов О**

(ИМЗО)

Буюртмачи: 
Манзил: 
СТИР:  ОКОНХ: 
Шх/в: 
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги
Банк номи: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш МФО:00014
Ягона Фазначилик ҳисобварағи СТИР: 201122919
х/р: 23402000300100001010,
Раҳбар (директор): 
(ИМЗО)